

**ВОЯГАЕТМАГАНУСМИРЛАРХУЛҚ-  
АТВОРИНИШАКЛЛАНТИРИШНИНГХУКУКИЙВАПСИХОЛОГИКЖИХАТЛАРИ**

*Осиё Халқаро Университети Магистратура 1-курс талабаси Педагогика ва  
психология йўналиши талабаси*  
**Холмуродова Нафиса Толибжоновна**

**Аннотация:** Ушбу мақолада вояга етмаган ўсмирларнинг ҳуқуқбузарликка йўл қўймаслиги учун куриладиган чора-тадбирлар хақида маълумотлар берилган. Бу маълумотларнинг барчаси шуни кўрсатадики, ҳуқуқбузар болалар орасида ишончсизлик, ҳасад, эътиборсизлик ва тушкунлик каби турли хил ҳиссий муаммолар жуда кенг тарқалган. Шу сабабли, бундай ёшларни тўғри йўлга қайтариш учун кўпроқ руҳий таъсир, уларда келгуси ҳаётга нисбатан ишонч ва рағбат уйғотиш муҳим ҳисобланади.

**Калит сузлар:** психологик чора-тадбирлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, замонавий психология амалиёти, Хулқ-атвор терапияси, Когнитив терапия, омиллар, Тадқиқот мақсади.

Жаҳонда инсон ҳаётида юзага келадиган муаммоларнинг шаклланиш қонуниятларини психологик таҳлил қилиш, унга нисбатан зарур психологик чора-тадбирларни белгилаш, оқилона ечим топиш ва натижаларни тўғри баҳолаш ҳамда илмий асосда қарорлар қабул қилиш муаммоларини ўрганишга йўналтирилган тадқиқотларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунингдек, ўсмирлар хулқ-атворидаги салбий ўзгаришларни бартараф қилишга йўналтирилган психокоррекцион тренингнинг муҳим жиҳатларини изоҳловчи назарий ва методологик ёндашувларнинг ижтимоий-психологик омилларини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар алоҳида ўрин тутди. Мамлакатимизда аҳолига, айниқса ёшларга сифатли психологик хизмат кўрсатиш, психологик хизмат фаолиятини бошқаришни мувофиқлаштириш, таълим муассасалари билан профилактика инспекторлари ва жамоат вакиллари ўртасидаги ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, психология мактабини ривожлантириш ҳамда психологик марказлар ташкил этишга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги ЎРҚ-406-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2833-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги «Психология соҳасида

кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисидаги»ги 472-сон қарори ва ушбу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш», шунингдек жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирларида «профилактика инспекторлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича ишловчи масъул ходимлар ва жамоатчилик вакиллари учун ёшлар, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан ишлаш бўйича ахборотномалар ва методик қўлланмалар ишлаб чиқиш»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланиб, бу борада ўсмирларда ҳуқуқбу-зарлик ва жиноят мотивлари шаклланишининг психодиагностикаси ва психокоррекциясининг самарали методикаларини аниқлаш, ташкилий чора-тадбирлар мазмуни, шунингдек баркамол ёшларни тарбиялашга йўналтирилган илмий-психологик ҳамда амалий-тарбиявий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Ўқув-тарбия жараёнларини узлуксиз такомиллаштириб бориш асосида жаҳон андозаларига эришиш баробарида ёшлар хулқ-атворида ҳосил бўладиган салбий ўзгаришларни долзарб муаммо сифатида ўрганиш, уни коррекция қилиш, бундай ўзгаришларнинг юзага келишига сабаб бўлувчи табиий-физиологик, ижтимоий-маданий ва тарбиявий-психологик омилларни ҳисобга олиш истиқболда белгиланган натижаларга эришиш учун кенг имко-ният яратади.

Бугунги замонавий психология амалиётида ёшлар психологияси, хулқ-атвори ва дунёқарашида юзага келаётган ўзгаришларни коррекция қилишда психоанализ, когнитив терапия, хулқ-атвор (индивидуал) терапияси, гештальт терапия ва бошқа терапевтик усуллардан самарали фойдаланиб келинмоқда. Психокоррекция дастурни тузиш ва уни тадқиқот жараёнида қўллашда хулқ-атвор терапияси (индивидуал ишлаш), когнитив терапия, психодрама терапияси, Гештальт терапия усулларида фойдаланиш учун белгиланган тартиб, меъёр ва қоидаларга амал қилдик. Шунингдек, тадқиқот олиб борилаётган ўсмирларнинг ёш даври ва индивидуал психологик хусусиятлари, ўқиш ва касб эгаллаши билан боғлиқ жараёнлар, оилавий, миллий-маданий ва ижтимоий-ҳудудий хусусиятлар ҳам алоҳида эътиборга олинди. Тадқиқотимизда психокоррекция ва ривожлантириш ишлари индивидуал ҳамда гуруҳларда олиб борилгани бизга психокоррекция ҳамда психотерапевтик усуллардан фойдаланишни индивидуал психотерапия, гуруҳий психотерапия ва ижтимоий-психологик тренинг (корпоратив тренинг) кўринишларида амалга ошириш учун қулайлик туғдирди. Психодрама терапияси гуруҳий характерга эга бўлиб, ўсмир психологиясида мавжуд бўлган ўзгариш, хато ёки камчиликни бартараф қилиш саҳналаштирилган томоша кўринишига қиёслаб ўтказилади ва

психодраманинг давомлиги билан айнан ана шу муаммо ҳисобланган ҳулқ-атвор ўзгаришлари ва камчиликлар тузатиб борилади. Хулқ-атвор терапияси - айнан ёшлар ҳулқ-атвори, ўзаро муносабат тизими, тарбияси, йўналганлиги ва дунёқарашида юзага келган ўзгаришлар ва салбий ҳолатларнинг коррекциялашда жаҳон психологияси амалиётида асосий ва ишончга сазовор метод ҳисобланади. Терапиянинг бу усули ўқитиш, тарбиялаш қонуниятларига асосланган ва ижтимоий психология, шахс психологияси, ривожланиш психологияси назариясига таянади. Хулқ-атвор терапиясининг самарадорлиги асосан учта омилга боғлиқдир:

1. Ўсмирнинг ижтимоий муҳити (оила, мактаб, маҳалла-гузар ва б.) доирасини назорат қилиш имконияти;

2. Ўсмир ҳулқ-атвори, йўналганлиги ва дунёқарашидаги салбий ўзгаришларга таъсир кўрсатиш имконияти;

3. ҳулқ-атвор терапиясининг (индивидуал ёндашувнинг) нисбатан аниқ йўналганлиги, қисқа ва қулайлиги.

Когнитив терапия – гуруҳий психотерапиянинг энг самарали усулларида бири. Когнитив терапияда ўсмир ҳулқ-атвори, хатти-харакатлари йўналганлиги ва дунёқарашида ижобий ўзгаришларни ҳосил қилиш учун олти босқичда амалга оширилади: 1. Ўсмирда ўз ҳулқ-атворидаги салбий ҳолатларни ўзгартириш зарурлигига унинг онгли муносабатини (қобилятини) шакллантириш.

2. Ўсмир ўз ҳулқ-атворидаги салбий ўзгаришлар моҳиятини тушуниб етишига эришиш. 3. Ўсмир воқеликни (борлиқ, табиат, жамият, инсон ҳулқ-атвори, мотивацион йўналганлиги ва онги-шуурининг муштараклигини, уларнинг ақлий, ахлоқий ва маънавий камолоти ўқув-тарбия жараёнлари билан боғлиқлигини) илмий тушуниш ва англашга киришиши. 4. Ўсмир когнитив (илмий асосларга кўра англаш) стратегияни эгаллаши ва ҳаёт фаолиятида унга амал қилиб ушбу кўникмаларини такомиллаштириб бориши. Хулқ-атворидаги салбий уй-фикрлар, амалдаги қонунларга хилоф хатти-ҳаракатларни тўхтатиш ва ижобийларини фаоллаштириш, фикрлаш жараёнларини кучайтириши асосида тегишли муаммоларни ечишга ишонч ва онгли ҳаракатни таркиб топтириш. 5. Қатъиятлиликини шакллантириш. Ўсмирларда иродавий сифат ва фазилатлар, барқарор ҳиссий-эмоционал ҳолатлар, узоқни кўра олиш малакаларини шакллантириш. Изчиллик йўқолган вазиятлар идентификацияси: роль ижро этиш ва моделлаштириш орқали ижтимоий кўрсатма ва меъёрларга қатъий риоя қилишга ўргатиш. 6. Ижтимоий ўзаро таъсирни мувофиқлаштириб бориш. Ижтимоий ўзаро таъсир бузилиши билан боғлиқ омиллар идентификацияси: ижобий ижтимоий алоқалар даражасини мунтазам ошириб бориш мақсадида зарур иш-ҳаракатларни танлашга одатлантириш. Ривожланган мамлакатлар амалиётида турли мақсадларда қўлланилаётган ижтимоий-психологик тренинглар ва унинг алоҳида муҳим шакли бўлган индивидуал ва корпоратив тренингдан фойдаланиш бўйича муайян тажрибалар тўпланган. Бу йўналишда Ғарбда ва Россияда қатор илмий тадқиқотлар (Е.Берне, Д.Жонсон, Д.Мацумото, К.Левин,

Г.Андреева, А.Донцов, В.Кан-Калик, М.Лебедева, Ю.Емельянов, Н.Богомолова, Н.Малишева ва бошқ.) олиб борилган. Корпоратив тренингни ёшлар хулқ-атворини ўзгартириш ва улардаги салбий ўзгариш ва нотўғри тасаввурларни бартараф қилиш воситаси ва услуби сифатида бизнинг миллий маданий муҳитимизда ўтказилган илмий ишлар етарлича эмас. Бу эса тадқиқотнинг амалий, татбиқий босқичида айнан корпоратив тренингдан фойдаланиш ғоясини илгари суришга асосдир.

Бугунги глобаллашув даврида доимо ҳуқуқий муаммо бўлиб келган ҳуқуқбузарликлар нафақат ижтимоий муаммо, балки психологик муаммо ҳамдир. Вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларга оид қонунлар узоқ вақтдан бери шаклланган бўлса-да, улар ҳам вақти-вақти билан ўзгартирилиб борилади. Ҳозирги кунда дунёнинг барча илғор ва цивилизациялашган давлатларида вояга етмаганлар жинояти тўғрисидаги қонунлар ўзгартирилди. Бундан ташқари, бугунги кунда ҳуқуқбузарлик жиноятдан кўра нотўғри хатти-ҳаракатлар, ижтимоий ноқулайлик сифатида қаралмоқда.

Вояга етмаганларнинг жинояти деганда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноий ҳаракатлар тушунилади. Яъни 18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар томонидан содир этилган жиноятлар шулар жумласига киради. Турли мамлакатларда максимал ёш чегараси ва ҳуқуқбузарликнинг маъноси фарқ қилади. Аммо ҳар доим 18 ёшдан кичик бўлади, бу ҳуқуқбузарлик учун қонуний ёш ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарлик сабаблари ҳақида гап кетганда одамнинг жиноий мойиллиги ота-оналарнинг аввалги ҳаётидаги ёмон ишларининг натижаси сифатида қаралади. Бу, шубҳасиз, нотўғри тушунча ва нотўғри фикрдир. Бошқа томондан, болада ҳуқуқбузарлик пайдо бўлганда, кўпчилик бунга ота-онасининг болалик давридаги хатти-ҳаракатлари, ҳаракатсизлиги ва топшириқлари билан боғлиқ деб ҳисоблайди.

Вояга етмаган ўсмирларнинг ҳуқуқбузарликка йўл қўйишига асосий сабаблардан бири-ҳиссий муаммо. Болага нотўғри муносабатда бўлиш ва нотўғри тарбиялаш болада бир нечта ҳиссий муаммоларни келтириб чиқаради. Турли кузатувлар, ҳолатлар тарихи ва интервьюлар шуни кўрсатдики, ҳуқуқбузарларнинг анча юқори фоизи ҳиссий бузилишларни намоён қилган. Ишончсизлик туйғуси, ота-оналар ва оиланинг бошқа аъзоларини рад этиш ҳуқуқбузарлик хатти-ҳаракатларини келтириб чиқарадиган кейинги муҳим омиллардир.

Бу маълумотларнинг барчаси шуни кўрсатадики, ҳуқуқбузар болалар орасида ишончсизлик, ҳасад, эътиборсизлик ва тушкунлик каби турли хил ҳиссий муаммолар жуда кенг тарқалган. Шу сабабли, бундай ёшларни тўғри йўлга қайтариш учун кўпроқ руҳий таъсир, уларда келгуси ҳаётга нисбатан ишонч ва рағбат уйғотиш муҳим ҳисобланади.

1. Тадқиқотда ўрганилган ўсмирларда жиноят мотивлари шаклланишининг психодиагностикаси ва психокоррекциясини мақсадли амалга оширишга қаратилган ҳамкорликдаги ўқув-тарбия босқичлари, ижтимоий-психологик тренинглар механизми (моделли), яъни корпоратив тренинглар ва сценарийлар мажмуаси ўзининг

самарадорлиги, қулайлиги ва мақсадга йўналганлиги билан тарбиявий афзаллигини тасдиқлади. Ёш авлод тарбиясига доир салбий кўринишлар ва улар хулқ-атворида юзага келган ўзгаришлар ёки нотўғри йўналганлик билан боғлиқ муаммоли масалаларни ечиш амалиётида корпоратив тренинглари самараси ва аҳамияти юқори эканлиги аниқланди. 2. Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида ўсмирлар хулқ-атворида учрайдиган жиноят мотивлари ва бошқа салбий ўзгаришларга замин яратувчи шарт-шароитларни аниқлаш билан бир қаторда ота-она, мураббий-ўқитувчи, профилактика инспектори, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари билан баркамол ёшларни тарбиялаш учун яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш зарурат эканлиги аниқланди.

### FOYDALANILGAN ADABIYOTLARRO'YXATI:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуни. Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 12 августда қабул қилинган. Сенат томонидан 2010 йил 28 августда маъқулланган. // <http://www.lex.uz/acts/1685726>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик– ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. –104-б.

4. Ғозиев Э.Ф. Умумий психология. – Т.: «Университет», 2002.

5. Асадов Ю., Мусурманов Р. Ўсмирлар девиант хатти-ҳаракатининг ижтимоий-психологик ҳусусиятлари. – Т., 2011.

6. Тулаганова Г.Қ. Девиант хулқнинг психологик коррекцияси. – Т.: «Университет», 2014. –150-б.

7. Жабборов А.М. Ўқитувчи этнопсихологияси. – Қарши: «Насаф», 2015. –38-104-б.

8. Шоумаров Ф.Б. Ўзбекистон таълим тизимида психологик хизмат муаммолари. - Т., 1998. -13-15-б.

9. Липунова О.В. Психология, диагностика и коррекция отклоняющегося поведения: Практическое пособие. - Комсомольск-на-Амуре: Изд-во Комсомольского-на- Амуре гос. пед. ун-та, 2002. -С. 65.

10. Рахимова К., Абдуллаева А. Тарбияси қийин ўсмирлар психологияси. - Фарғона, 2006. -92-б.

11. Бандура А. Теория социального учения. Монография - Санкт-Петербург: «Евразия», 200.

12. Мухамедьярова Ж. Корпоративная культура как инструмент успешного управления компанией. // Материалы II межд. конф на тему «Психология управления». - Ека-теренбург, 2007. -С. 21-24.

13. Каримова В.М. Ёшларда ўзбек оиласи тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлар. Псих фан. док. дисс. - Т.: ТошДУ, 1994. –309-б